

ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРГА ТОБЕ ШАХСЛАРНИ ДАВОЛАШ ҲОЛАТИ

Н.Қ. Кенжаева

Самарқанд давлат тиббиёт университети,

С.Э. Умиров

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,

Алфраганус университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18149915>

Кириш. Гиёҳванд моддаларга тобелик (ГМТ) — сурункали, рецидивга мойил, биопсихосоциал хусусиятга эга касаллик ҳисобланади, шу боисдан беморларга малакали тиббий-ижтимоий ёрдам тақдим этилиши ва реабилитация жараёни самарали тарзда амалга оширилиши учун ГМТ беморларининг даволаниш натижаларини таҳлил этиш ва баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мақсад. Самарқанд вилоятида 2010-2024 йиллар мобайнида қайд этилган гиёҳванд моддаларга тобелик билан зарарланган шахсларнинг даволаниш ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Самарқанд вилоятида 2010-2024 йиллар мобайнида ГМТ билан зарарланган шахсларнинг даволаниш кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилди. Тадқиқотда клиник, эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Самарқанд вилоятида 2010-2024 йй. мобайнида диспансер назоратидаги жами гиёҳванд моддаларга тобе шахсларнинг ўртача 19,6% стационар шароитида даволанишган. Стационар шароитида даволанган пациентлар ҳиссаси 2010 йилдан (18,7%) 2017 йилга (5,2%) қадар узлуксиз пасая борган, 2018 йилдан (9,1%) бошлаб 2024 йилгача (51,9%) эса деярли узлуксиз ўсган. 2024 йилда стационарда даволанган пациентлар ҳиссаси (51,9%) 2010 йилдагига (18,7%) қараганда 2,8 марта, 2017 йилдагига (5,2%) қараганда эса 10 марта юқори. Самарқанд вилоятида 2010-2024 йй. мобайнида диспансер назоратидаги гиёҳванд моддаларга тобе шахсларда ёндош касаллик сифатида ўртача 2,2% ҳолатда жинсий йўл билан юқувчи касалликлар (ЖЙБЮК), 0,7% ҳолатда ОИВ инфекцияси ташхис этилган. ГМТ пациентларида жинсий йўл билан юқувчи касалликлар аниқланиш частотаси 0,5% дан (2014 й., 2024 й.) 8,1% га (2019 й.) қадар кўламда тебранган. ГМТ пациентларида ЖЙБЮК аниқланиш частотаси кўламидаги бундай катта тафовут (16,2 марта), мазкур ёндош касалликлар ташхисотидаги нуқсонлар, яъни уларни ташхислаш борасида тизимли ёндошувнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳланиши мумкин. ГМТ пациентларида ОИВ инфекцияси аниқланиш частотаси 0,1% дан (2016 й.) 1,8% га (2010 й.) қадар кўламда тебранган, яъни ўртаги тафовут 16,2 мартадан иборат. Самарқанд вилоятида 2010-2024 йй. мобайнида ўртача 24,2% диспансер назоратидаги гиёҳванд моддаларга тобе шахслар ҳисобдан чиқарилган. Диспансер назоратидаги умумий ГМТ шахслар ўртасида ҳисобдан чиқарилганлар фоизи 2024 йилда (10,6%) 2010 йилдагига нисбатан (21,4%) 2 марта камайган. Жумладан, соғайганлиги боис ўртача 15,1%, ўлим туфайли ўртача 2,0% пациентлар ҳисобдан чиқарилган. Соғайиш туфайли ҳисобдан чиқариш 2024 йилда (7,5%) 2010 йилдагига (9,5%) қараганда 1,3 марта пасайган. Ўлим натижасида ҳисобдан чиқариш (тегишлича 2,0% ва 0,9%) 2,2 марта камайган. Таҳлиллар кўрсатадики, диспансер ҳисобидаги ГМТ пациентларининг батамом соғайишига, яъни

тиббий ва ижтимоий реабилитациясига эришиш кўрсаткичи ўта паст даражада – ўртача 15,1%, 2024 йилда (7,5%) эса ўртача кўраткичдан ҳам 2 марта паст.

Хулосалар. Гиёҳванд моддаларга тобе шахсларга тақдим этилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам, хусусан, уларни касалликнинг ўткир босқичида даволаш тадбирлари, уларнинг диспансер назорати, хусусан барқарор ва тўлақонли реабилитациясига қаратилган тадбирлар мажмуаси такомиллаштирилиши зарур.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Каримов И.А., Рахимова Н.С. Современные тенденции наркомании в Центральной Азии: региональные особенности и профилактические стратегии // Журнал общественного здравоохранения и эпидемиологии. – 2022. – № 3(45). – С. 78-89.
2. Турсунов Б.М., Абдуллаева Ш.Х., Мирзаев А.У. Анализ динамики распространения наркотических веществ в регионах Узбекистана: социально-демографические аспекты // Вестник наркологии. – 2021. – Т. 20, № 8. – С. 34-48.
3. Садыков Р.Н. Классификация и характеристика психоактивных веществ, распространенных в Самаркандской области: медико-социальное исследование // Наркология и психиатрия. – 2023. – № 2(67). – С. 112-125.
4. Хакимов О.Т., Юсупова М.А. Региональные особенности наркопотребления в Узбекистане: эпидемиологический анализ и прогностические модели // Центрально-азиатский медицинский журнал. – 2022. – Т. 28, № 4. – С. 203-218.
5. Норматов А.Б., Исмаилов Д.К., Рахматова З.И. Мониторинг наркотической ситуации в Самаркандском регионе: методологические подходы и результаты пятилетнего исследования // Профилактическая медицина. – 2023. – № 1(89). – С. 45-59.
6. Джураев Н.М. Социально-экономические факторы распространения наркомании в сельских районах Самаркандской области // Социология здоровья и медицинская антропология. – 2021. – № 4(32). – С. 167-182.